

**Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги  
объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни  
назорат қилиш инспекцияси томонидан 2023 йилнинг асосий  
натижалари, йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф  
этиш бўйича кўрилган чоралар тўғрисида**  
**МАЪЛУМОТ**

1. Ўта муҳим гидротехника иншоотларининг техник ҳолатини баҳолаш бўйича **инспекторлик текширув ишлари ўтказилиб**, фойдаланувчи ташкилотларга **1610 та** камчиликлардан иборат **245 та бажарилиши мажбурий бўлган** кўрсатма берилди ва уларни бажарилиши назоратга олинди.

**20 та** ўта муҳим гидротехника иншоотларида (**5 та** сув омборлари, **7 та** насос станциялари, **4 та** гидроузеллари, **1 та** ГЭС, **3 та** каналларида) махсус диагностика ишлари амалга оширилди.

**46 та** ўта муҳим гидротехника иншоотларининг (**10 та** сув омборлари, **8 та** каналлари, **8 та** гидроузеллари, **12 та** насос станциялари, **8 та** ГЭСлари) хавфсизлик декларациялари Эксперт кенгашида кўриб чиқилиб, тасдиқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 июндаги ПФ-101-сон Фармон билан Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси қайта ташкил этилиб, юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш юзасидан қуидаги ишлар олиб борилди.

2023-2024 йилларнинг кузги-қишки мавсуми учун суғориш ишларига ажратилган **10,7 миллиард куб метр** сув олиш лимитларидан оқилона ва самарали фойдаланилиши **устидан назорат ўрнатилди**.

Сув ресурсларининг ҳисобини тўлиқ юритилишини таъминлаш мақсадида **77 минг 300 та** сув олиш жойларида юритилган **сувнинг** кундалик ҳисоби журнали **назоратини таъминлаш** учун рўйхатдан ўтказилди.

Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан жойларда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибига риоя этилиши устидан ўтказилган **назорат тадбирларида 832 та** ҳолатда **ноқонуний сув олиш жойлари, 985 та** ҳолатда шартнома тузмасдан рухсатсиз сув олиш, **1 546 та** ҳолатда сув олиш жойларини жиҳозламасдан сув олиш, **222 та** ҳолатда сувни бошқариш ва ўлчаш воситаларини шикастлантириш, **930 та** ҳолатда сувнинг кундалик ҳисобини юритмаслик,

**580 та** ҳолатда меъёридан ортиқча сув олиш, **2 086 та** ҳолатда экин майдонларини күллатиб суғориш, **2 782 та** ҳолатда сувни коллектор-дренажларга оқизиб қўйиш каби тартиббузарлик содир этилганлиги аниқланди.

Аниқланган тартиббузарлик ҳолатлари бартараф этилиб, жавобгар раҳбарларга бажарилиши мажбурий бўлган **509 та** ёзма **кўрсатма** киритилди. Шунингдек, **934 млн. 19 минг** сўм жарима **санкциялар қўлланилиб**, тўлиқ ундирилиши таъминланди.

Ўз навбатида, инспекциянинг **Андижон**, **Навоий**, **Наманган** ва **Самарқанд** вилояти бошқармалари бошлиқлари юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришда сусткашликка йўл қўйганлиги учун сўнги маротаба огоҳлантирилди ҳамда фаолиятини тўғри йўлга қўйиш юзасидан услубий ва амалий ёрдам кўрсатилди.